

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОЙЛИГИНИ КЎПАЙТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ



Маманазаров Абдусамат Абдусаитович
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллий бойлик ҳажми ва ўсиш суръатларини оширишнинг устувор йўналишлари ҳамда уни амалга оширишда давлатнинг иқтисодий механизмлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада республикада миллий бойлик таркибини оптималлаштириш, унинг дахлсизлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: миллий бойлик, табиий ресурслар, интеллектуал бойлик, инсон капитали, молиявий ва номолиявий активлар, фискал ва монетар воситалар.

Аннотация. В статье анализируются приоритеты увеличения объема и роста национального богатства в Узбекистане и экономические механизмы государства в их реализации. В статье также представлены научные предложения и практические рекомендации по оптимизации структуры национального богатства в стране, обеспечению его неприкосновенности и безопасности.

Ключевые слова: национальное богатство, природные ресурсы, интеллектуальное богатство, человеческий капитал, финансовые и нефинансовые активы, фискальные и монетарные инструменты.

Abstract. The article analyzes the priorities of increasing the volume and growth of national wealth in Uzbekistan and the economic mechanisms of the state in their implementation. The article also presents scientific proposals and practical recommendations for optimizing the structure of national wealth in the country, ensuring its inviolability and security.

Key words: national wealth, natural resources, intellectual wealth, human capital, financial and non-financial assets, fiscal and monetary instruments.

Кириш

Жаҳон мамлакатлари тажрибаси миллий бойликни кўпайтириш, сифат ва таркибини такомиллаштиришга қаратилган давлат иқтисодий сиёсати бир қатор мақсадларга йўналтирилишини кўрсатади. Бу энг аввало, миллий бойликнинг шаклланиши ва ўсиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилади. Бунда давлатнинг иқтисодий сиёсати энг аввало, мамлакат ички салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўли билан миллий бойликнинг таркибий қисмлари ўсишини рағбатлантиришга ҳамда мамлакатнинг жаҳон ишлаб чиқариш – инвестицион жараёнларида фаол қатнашишга йўналтирилади. Иккинчидан, глобаллашув шароитида миллий бойликнинг иқтисодий, технологик ва сиёсий жиҳатдан кучли мамлакатларга “оқиб кетиши”га йўл қўймаслик керак. Мазкур ҳолда давлат иқтисодий сиёсатининг мавжуд дастаклари миллий бойликнинг миллий чегарадан ташқарига оқишига қаратилган “канал”ларни ёпиш ёки юмшатишга қаратилади. Бу айниқса, интеллектуал бойлик билан боғлиқ бўлади.

Ривожланган мамлакатларнинг рақобатбардошлиги юқорилиги туфайли уларда ташқарига “ақллар оқими” ёки капитал “қочиши” каби нохуш ҳолатлар кўзатилмади. Бошқача айтганда, миллий бойлик барқарор ўсишининг ҳал

қилиниши унинг хавфсизлигини ҳам таъминлайди ва бу, ўз навбатида, унинг жамғарилишини рағбатлантиради.

Ўзбекистонда сўнги йилларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда катта ислохотлар олиб борилганлигига қарамасдан, мамлакатнинг табиий, иқтисодий, интеллектуал салоҳиятидан нораціонал фойдаланиш, уларнинг самарасиз тақсимланиши билан бирга Covid-19 пандемиясининг республика бўйлаб тарқалиши республикада ишлаб чиқариш суръатларини кескин пасайтириб юборди. Шунинг учун мамлакатда «...ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» [2], ҳусусан «...2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2,5 баравар кўпайтириш» ва бунда асосий миллий бойлигимиз бўлган «...инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт» [3]. Бу эса, миллий бойлик таркибини диверсификациялаш ва унда асосий эътиборни инсон капиталига қаратиш масаласини ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Миллий бойликнинг иқтисодий мазмуни, таркибий қисмлари, тақсимланиш тамойиллари ва ундан самарали фойдаланишнинг умумий жиҳатлари муайян даражада ўрганилган ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда.

Маҳаллий олимларимиздан З.Йўлдошев томонидан “Ҳозирги замон назарийчилари ҳам яратилган маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсига айланиб, бойлик ҳосил этилишини эътироф этадилар. Миллий бойлик ёки ижтимоий бойлик умумиқтисодий категориядир. Ишлаб чиқариш бор жойда миллий бойлик вужудга келади. Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида яратилган ва жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал бойликлар ҳамда табиат иномларидан иборатдир” дея таъкидланган [4].

Яна бир гуруҳ олимлар томонидан миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида яратилган ва жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал бойликлар ҳамда табиий бойликлар, миллий бойликнинг бир қисмини инсон меҳнатининг натижаси ҳисобласак, бошқа қисми табиат бойликларидан иборат бўлиши [5], умуман олганда миллий бойликнинг иқтисодий мазмуни ва таркибий қисмларининг умумназарий жиҳатлари миллий бойлик ҳажмини турли хил усуллар бўйича ҳисоблаш, миллий бойликни миллий ҳисоблаш тизими тамойиллари асосида халқаро таққослаш муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борилган [6, 7, 8, 9, 10].

Юқорида амалга оширилган тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишлар умумий аҳамиятга эга бўлиб, миллий бойликни тадқиқ қилишда унинг икки томонлама ҳусусиятини ҳисобга олиш, таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, миллий бойликни кўпайтиришда давлатнинг иқтисодий механизмларидан фойдаланиш масалалари иккинчи даражали муаммо сифатида қолиб кетган. Мазкур масалалар муаммонинг долзарблик даражасини янада ошишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистонда миллий бойлик ҳажми ва ўсиш суръатларини оширишнинг устувор йўналишлари ҳамда уни амалга оширишда давлатнинг иқтисодий механизмларини ёритишда тадқиқот методологиясининг тарихийлик ва

мантикийлик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция усулларидадан фойдаланилди. Мазкур жараёнда олинган хулосалар мамлакат миллий бойлигини тадқиқ қилишга қаратилган махсус мустақил илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг жорий қилиниши республикада яратилган моддий ва номоддий неъматлар, табиий ва инсон ресурсларидадан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунингдек, мамлакатда моддий, номоддий, табиий ва ишчи кучи ресурсларидадан фойдаланиш даражасини ошириш ва уларни самарали тақсимлашга мўлжалланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасида миллий бойлик таркибий қисмлари ҳажми ва улар ўртасидаги мутаносибликни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш билан белгиланади.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар бир мамлакат ўз миллий бойлиги хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқади. Аммо, тадқиқотларимиз, ушбу соҳада давлат томонидан ишлаб чиқилган сиёсат ҳар доим ҳам мамлакат миллий бойлиги дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлай олмаётганлигини кўрсатди.

Фикримизча, миллий бойлик хавфсизлигини таъминлаш сиёсатининг асосий дастаклари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Капитал ва мол-мулкнинг мамлакатдан чиқиб кетишини чеклаш ва қаттиқ назорат қилиш, капитал “қочиши”га қарши кураш, валюта назоратини кучайтириш;
2. “Ақллар чиқиб кетиши”га қарши кураш, интеллект эгалари ва барча профессионал касблар учун етарли шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли эмигрантларнинг ватанга қайтишини рағбатлантириш;
3. Стратегик тармоқ ва корхоналарни ҳусусийлаштиришни чеклаш;
4. Коррупцияга қарши самарали воситаларни қўллаш (“ижтимоий назорат”, блогерлар ва омма кучига таяниш кабилар).

Миллий бойликни кўпайтириш мақсади ҳисобга олинганда импортнинг ўсиш суръатлари миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати кўрсаткичидан юқори бўлиши керак эмас. Шу нуқтаи-назардан, республикада олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдосини таъминлашга қаратилган. Аммо, турли хил ички ва ташқи омиллар республика ташқи савдо балансининг охириги йилларда салбий томонга ўзгаришига таъсир қилди (1-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлил қилинаётган даврда, яъни, охириги йигирма йилликда республика ташқи савдо балансида беқарорлик ҳуқум сурганлигини кўрсатади. Ҳусусан, 2010 йилда экспорт-импорт сальдоси 3847,6 млн. доллар ижобий натижани кўрсатган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилга келиб 6833,6 млн. доллар салбий (манфий) томонга ўзгарган. Аммо, ушбу ҳолат мамлакат иқтисодий тараққиётининг жадаллашишига, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ва шу каби бир қатор ижтимоий-иқтисодий жараёнларга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмади.

Ҳусусан, 2019 йил якунида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 41,7 млрд долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 млрд долларга ўсди (ўсиш суръати – 26,2%).

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо динамикаси

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019
<i>Миллион доллар</i>								
Ташқи савдо айланмаси	6212,1	9500,1	22199,2	24924,2	24232,2	26566,1	33429,9	41751,0
экспорт	3264,7	5408,8	13023,4	12507,6	12094,6	12553,7	13990,7	17458,7
импорт	2947,4	4091,3	9175,8	12416,6	12137,6	14012,4	19439,2	24292,3
<i>Сальдо</i>	317,3	1037,0	3847,6	91,0	-43,0	-1458,7	-5448,5	-6833,6
<i>Шу жумладан</i>								
МДҲ мамлакатлари билан	2297,8	3403,4	9369,2	9548,9	8388,1	9084,6	12144,4	14461,8
экспорт	1172,2	1722,6	5647,7	5230,3	4338,3	4080,1	5003,1	6234,0
импорт	1125,6	1680,8	3721,5	4318,6	4049,8	5004,5	7141,3	8227,8
<i>Сальдо</i>	46,6	41,8	1926,2	911,7	288,5	-924,4	-2138,2	-1993,8
Бошқа мамлакатлар билан	3914,3	6096,7	12830,0	15375,3	15844,1	17481,5	21285,5	27289,2
экспорт	2092,5	3686,2	7375,7	7277,3	7756,3	8473,6	8987,6	11224,7
импорт	1821,8	2410,5	4545,3	8098,0	8087,8	9007,9	12297,9	16064,5
<i>Сальдо</i>	270,7	1275,7	1921,4	-820,7	-331,5	-534,3	-3310,3	-4839,9
<i>Ўтган йилга нисбатан фоизда</i>								
Ташқи савдо айланмаси	97,9	109,6	104,7	90,5	97,2	109,6	125,8	124,9
экспорт	100,9	111,5	110,6	92,3	96,7	103,8	111,4	124,8
импорт	94,8	107,2	97,2	88,8	97,8	115,4	138,7	125,0
<i>Шу жумладан</i>								
МДҲ мамлакатлари билан	128,2	113,3	117,0	79,0	87,8	108,3	133,7	119,1
экспорт	119,3	112,7	144,0	77,2	82,9	94,0	122,6	124,6
импорт	139,0	114,0	91,0	81,2	93,8	123,6	142,7	115,2
Бошқа мамлакатлар билан	86,0	107,6	97,2	99,6	103,0	110,3	121,8	128,2
экспорт	92,9	110,9	94,0	107,4	106,6	109,2	106,1	124,9
импорт	79,2	102,9	102,0	93,5	99,9	111,4	136,5	130,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
www.stat.uz

Маҳаллий товарлар ва хизматларнинг хорижий мамлакатларга экспорти 2018 йилга нисбатан 3,5 млрд долларга ёки 28%га ўсди ва 17,5 млрд долларни ташкил этди. Экспортнинг асосий улуши қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металлдан тайёрланган маҳсулотлар - 5,1 млрд доллар (умумий экспортдаги улуши 28,5%), хизматлар - 3,6 млрд доллар (19,9%), энергия ташувчилар - 2,5 млрд доллар (14,1%), тўқимачилик маҳсулотлари - 1,6 млрд доллар (9,1%), озиқ-овқат маҳсулотлари - 1,5

млрд доллар (8,5%), рангли металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар - 951,3 млн доллар (5,3%), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар - 876,9 млн доллар (4,9%), қора металлар ва ундан тайёрланган буюмлар - 349,6 млн доллар (2%) ҳиссасига тўғри келади. Республика импорт кўрсаткичи ҳисобот даврида 4,8 млрд долларга ўсиб, 24,3 млрд долларга етди, бу эса, 2018 йилга нисбатан 25 %га кўпдир. Импорт таркибини асосан асбоб-ускуналар - 5,6 млрд доллар (жами импортдаги улуши 23,1%), транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар - 2,6 млрд доллар (10,8 %), хизматлар - 2,4. млрд доллар (10%), қора металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар - 2,2 млрд доллар (9,1%), электр жиҳозлари - 1,3 млрд доллар (5,5%), озиқ-овқат маҳсулотлари - 1,2 млрд доллар (5,2%), энергия ташувчилар - 928,1 млн доллар (3,8%), фармацевтика маҳсулотлари - 926,8 млн доллар (3,8%), ёғоч ва ундан тайёрланган маҳсулотлар - 903,7 млн доллар (3,7%), кимёвий маҳсулотлар - 843,5 млн доллар (3,5%), пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар - 811,7 млн доллар (3,3%) ва бошқалар ташкил қилади [11].

Мамлакат миллий бойлигининг ошиши ва ундан самарали фойдаланиш жараёнларига давлатнинг монетар ва фискал воситалари жуда катта таъсир кўрсатади. Чунки, улар таъсирида миллий бойликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган моддий неъматлар яратилади ва уларнинг маълум қисми жамғариб борилади.


Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикада охириги йилларда монетар воситалар ичида Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ўзгаришининг моддий неъматлар яратилишига таъсири жуда катта бўлди. Чунки, таҳлиллар қайта молиялаш ставкасининг кейинги йилларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб турганлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Республикада 2005 йилдан кейинги даврларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан нафақат ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини, шу билан биргаликда, мамлакат миллий бойлигининг моддий асосини ошириш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида самарали фойдаланилди. Ундан (2005 йил) олдинги даврларда эса, асосан, инфляцион жараёнларни жиловлаш мақсадида фойдаланилган (1-расм).

1-расм маълумотларидан кўринадикки, республикамизда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарувчан тенденцияга эга. Миллий валюта киритилган пайтда қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо, инфляция даражасининг юқори эканлиги қайта молиялаш ставкасини салбий даражада бўлишига сабаб бўлди. Шу сабабли 1994 йилнинг октябрь ойидан бошлаб расмий қайта молиялаштириш ставкаси 150 фоиздан 225 фоизга кўтарилди. 1995 йил февраль ойида расмий қайта молиялаш ставкаси 250 фоиз қилиб белгиланган бўлса, март ойидан бошлаб у 300 фоиз қилиб белгиланди. Инфляция даражасининг 1995 йилдан бошлаб пасайиб бориши қайта молиялаш ставкасини пасайтириш учун замин яратди. 1996 йилда қайта молиялаш ставкаси 50 фоиздан пастга тушган бўлса, 2005 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу кўрсаткич 27 фоизни ташкил этади [8].

2006-2010 йилларда 14 фоиз, 2011-2013 йилларда 12 фоиз, 2014 йилда 10 фоиз, 2015-2017 йилнинг ярмигача 9 фоиз, 2017 йилнинг ярмидан 2018 йилнинг октябригача 14 фоиз, 2018 йилнинг октябридан 2020 йилнинг апрелигача 16 фоиз, 2020 йилнинг апрелидан сентябригача 15 фоиз, шу йилнинг сентябридан ҳозирги

кунгача яна 14 фоиз қилиб белгиланди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, республикада қайта молиялаш ставкасидан ЯИМ ва миллий бойлик ҳажми ҳамда ўсиш суръатларини ошириш воситаси сифатида эмас, балки инфляцияни жловлаш воситаси сифатида фойдаланилмоқда.




1-расм. Қайта молиялаш ставкаси билан ЯИМ ўсиш суръатларининг ўзгариш тенденциялари¹

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти (<https://cbu.uz/uz/monetary-policy/operations/refinancing-rate/>). Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. www.stat.uz

Миллий бойлик ҳажмининг ошиши ва таркибининг такомиллашишида давлатнинг фискал сиёсати ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, мамлакатда тадбиркорлик секторига турли хил солиқ имтиёзларининг берилиши, уларнинг унификация қилиниши ва қўлланиладиган ставкалар оптимал нуқтасининг белгилаб қўйилиши миллий бойликнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган моддий ресурслар ҳажмининг ошишида жуда муҳимдир. Хусусан, “...яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича энгиллаштирилган механизмлар киритилди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади [1]. Айниқса, республикада ЯИМнинг 56,5, саноатнинг 34,9, қурилишнинг 75,4, бандликнинг 76,2 фоизини [12] таъминлаётган кичик бизнес ва ҳусусий

¹ Графикдаги қайта молиялаш ставкаси айрим йиллар (2000, 2003, 2004 йиллар) бўйича ўртача олинган. Шунингдек, ЯИМнинг 2020 йилдаги ўсиш кўрсаткичи январь-июнь ойлари натижалари бўйича ҳисобланган.

тадбиркорлик секторининг давлат фискал воситалари орқали қўллаб-қувватланиши мамлакат миллий бойлигини ошириш имкониятини янада кенгайтиради. Мамлакатда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнади. Таъкидлаш жоизки, республикада хўжалик юритувчи субъектлар учун фойда, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўловларининг пасайтирилиши мамлакатда инвестицион фаолликни оширди. Бу эса, ўз навбатида, миллий бойликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган ялпи жамғарма ҳажмининг ошишига сабаб бўлди (2-расм).



2-расм. Фойда ва ягона солиқ ставкалари, асосий капиталга инвестициялар ҳамда ялпи жамғарма ҳажмининг ўзгариш тенденциялари

Манба: Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ахборот хизматининг 2017 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар ҳамда солиқ олишнинг айрим масалалари юзасидан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлари. www.soliq.uz

2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, корхоналар тўлайдиган фойда солиғи ставкаси 2000 йилда 19 фоизни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 6 пунктга туширилиб 13 фоизни, 2010 йилда яна 4 пунктга камайиб 9 фоизни, 2015-2017 йилларда 8 фоизни ташкил қилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, 2017 йил охиригача ушбу солиқ турини тўловчилар бир вақтнинг ўзида яна 8 фоизлик ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳам тўлашарди. Демак, битта солиқ базасидан жами 16 фоиз солиқ тўланган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-454-сонли Қонунига мувофиқ ушбу солиқларнинг базаси бир хил бўлганлиги сабабли 2018 йил 1 январдан бошлаб фойда, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари битта солиқ турига, яъни, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғига айлантилди ва унинг ставкаси 14 фоиз қилиб белгиланди [13].

2019 йилга келиб ушбу солиқ ставкаси 12 фоизга туширилди. Бу эса, ўз навбатида, 2018 йилдан бошлаб асосий капиталга инвестициялар ва ялпи жамғарманинг бирданига сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлди. Яъни, 2000-2017 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўртача ўсиш суръатлари 10,6 фоизни, ялпи жамғарманики эса, 26,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич охиригича икки йилда мос равишда 31,9 ва 38,1 фоизни ташкил қилди. Натижада республикада миллий бойлик таркиби такомиллашди ва унда моддий ресурсларнинг улуши сезиларли даражада ошди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2000 йилда 31 фоиз қилиб белгиланган ягона солиқ ставкаси 2005 йилда 2000 йилга нисбатан 2 баробардан (15 фоиз), 2010 йилда 4 баробардан (7 фоиз) ортиқ, 2019 йилдан ҳозирги кунгача деярли 8 баробарга (4 фоиз) яқин пасайтирилган. Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириб ишлаб чиқаришни ривожлантиришини таъминлади. Натижада сўнгги йигирма йилда асосий капиталга инвестициялар 3,5 баробарга, ялпи жамғарма эса, 1,6 баробарга ошишига эришилди.

Миллий бойликнинг бекаму-кўст сақланиши ва кўпайтирилишига эришиш фақатгина мамлакатда ҳақиқий маънодаги иқтисодий мустақиллик мавжуд бўлсагина мумкин бўлади. Шундагина мамлакат миллий бойлигининг ҳар томонлама кучли давлатлар фойдасига қайта тақсимланишига йўналтирилган турли хил очиқ ва яширин геоиқтисодий тажавузкорликка қарши тура оладиган салоҳият ва имкониятга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳада давлат иқтисодий сиёсатини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча, мамлакат миллий бойлиги даҳлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашга, унинг ҳажми ва ўсиш суръатларини оширишга йўналтирилган иқтисодий сиёсат қўйидаги чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олиши зарур:

1. Миллий саноатни модернизациялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, инфратузилма ва бошқа шу кабиларга такрор ишлаб чиқаришнинг хавфсизлик чегарасидан юқори даражасида инвестициялар киритиш;
2. Турли хил даражадаги бизнес ривожланиши учун қулай ва умумий макроиқтисодий шарт-шароитлар яратиш;
3. Мамлакат меҳнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш ҳамда табиий ресурсларни самарали такрор ҳосил қилиш;
4. Миллий фаровонлик фондларининг чет элларда жойлашишидан ва уларга инвестиция қўйишдан воз кечиш;
5. Халқаро меҳнат тақсимоти ва глобаллашув жараёнининг ижобий самараларидан тўлароқ фойдаланиш.

Шундай қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнини жадаллаштириш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирлар республика миллий бойлиги ҳажми, таркиби ва сифат ўлчамларига сезиларли таъсир кўрсатади ҳамда давлат иқтисодий сиёсатининг ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаб беради. Ҳозирги шароитда миллий манфаатларни ишончли ҳимоялаш ва рўёбга чиқариш ҳамда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари миллий бойликни ишончли

сақлаш ва кўпайтириш, иқтисодиётнинг самарали фаолият юритиши ва барқарор ривожланишига шароит яратади. Миллий бойликни жамғариш сиёсати унинг дахлсизлигини таъминлаш, таркибий қисмларини такрор ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ташқи дунё билан ноэквивалент айирбошлашда қатнашишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини ўз ичига олади. Миллий бойликни жамғаришга қаратилган муваффақиятли иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим шarti миллий манфаатлар муштараклиги ва сиёсий элита қатламнинг халқ олдидаги масъулияти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz
2. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy.
3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. “O‘zbekiston” нашриёти. – Тошкент. 2021. 148-224 бетлар.
4. З.Йўлдошев. Миллий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: - ТМИ. – 2004, 21-бет.
5. Т.Т.Жўраев, С.Мехмонов, А.Ш.Арипов, Ж.Жабборова, Д.Жалолова, Д.Бабабекова, З.Аллаберганов, С.Мустафақулов. Иқтисодий-ижтимоий тараққиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: - ТМИ. – 2010, 52-бет.
6. Хакимов Х. Миллий бойлик ва унинг ҳажмини ошириш йўллари // // Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Т.: ЎзМУ, 1994. -36 б.
7. Шодмонов Ш.Ш., Рахматов М.А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: «Фан ва технология». 2020. - 784 б.
8. Абдуллаев С.А. Миллий маҳсулот ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ТМИ. 2018. - 67 б.
9. Ғойибназаров Б. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.:, ТДИУ, 2006. - 65 б.
10. Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. -Т.: 2011, №1.
11. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятининг 2019 йил якунлари // <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasi-tashi-savdo-faolijatinig-2019-jil-jakunlari>
12. http://web.stat.uz/open_data/uz/17.1%20Share%20of%20small%20business%20and%20private%20entrepreneurship_uzb.pdf
13. 2018 йилдаги солиқ ўзгаришлари // https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text138755_2018_yildagi_soliq_uzgarishlari.